

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЮҚОРИ СИФАТ – ХАРИДОРГИРЛИК МЕЗОНИ

Олмаликдаги "Курама-Восток" хусусий корхонаси бир неча йиллардан буён иқтисодиёт тармоқларида кенг фойдаланилаётган махсус кийимлар ва шахсий ҳимоя воситаларини ишлаб чиқармоқда.

□ **Made in Uzbekistan**



– Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётгани самарасида янгидан-янги тармоқлар, йўналишлар очилмоқда ва бу жараёнда турли даражадаги махсус

кийимлар ҳамда ҳимоя воситаларига талаб ортмоқда, – дейди хусусий корхона директори Алишер Эргашев. – Биз юртимизнинг барча ҳудудларидаги 150 дан зиёд таш-

килотларга ўз маҳсулотларимизни етказиб бераймиз.

Ушбу корхонада тайёрланган махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситаларидан металлургия, кимё, нефть-газ саноати, конларда ишлаётган ходимлар кенг фойдаланмоқда. Тиббиёт халатлари, спортчилар кимоноси, ошпазлар учун фартуклар ҳам миқозларга манзур бўлаётир. Бундан ташқари, хавфли соҳаларда хизмат қилаётган мутахассислар учун тайёрланаётган каска, ҳимоя кўзойнаги, пайвандчилар ниқоби, махсус пойабзал ва этикларга ҳам талаб катта.

Махсус кийимлар ва ҳимоя воситаларини тайёрлашда хом ашё ва матоларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилади. Маҳсулотлар истеъмолчилар учун ҳар тарафлама қулай, мавсумга мос бўлиши лозим. Хавфсизлик биринчи ўринда.

Айни пайтда корхонада "Олмалик кон-металлургия комбинати" ва вилоятимиздаги бошқа йирик ташкилотларнинг буюртмалари тайёрланмоқда.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

2017 йил 2-3 ноябрь кунлари Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Россия делегациясини қабул қилади.

Ташриф доирасида кўп қиррали ўзаро муносабатларни янада ривож-

лантириш, уларни аниқ мазмун билан бойитишнинг истикболли йўналишларини муҳокама қилиш учун ҳукуматларaro музокаралар ўтказилиши режалаштирилган.

Дмитрий Медведев, шунингдек, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси

Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Кескин танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонида мувофиқ, шу вақтга қадар вилоят ҳокими лавозимида ишлаб келган Бабаев Шукрулло Ҳабибуллаевич эгалаб турган вазифасидан озод этилди.

Ғуломжон Ибрагимов вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов иштирок этди.

АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР СИФАТИГА ЯНГИ КОМИССИЯ ЖАВОБ БЕРАДИ

Мамлакатимизда 2009 йилдан буён намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий инфратузилма объектилари барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

□ **Анжуман**

Ҳўш, қурилайётган уй-жойлар ва объектиларнинг сифати қандай? Уй-жойларнинг баҳоси ниманинг эвазига арзонлаштирилмоқда? Банк кредитларининг афзаллиги ва уни ажратиш тартибидан юрдошларимизнинг барчаси хабардорми?

Бу ва бошқа қатор саволларга Миллий матбуот марказида "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ва "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжуманида жавоб берилди.

– 2009-2016 йиллар давомида 69 минг 557 та намунавий лойиҳалар бўйича яқин тартибдаги уй-жой қурилди, – дейди "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси бош директори ўринбосари Файзулло Исмолов. – Натижада, қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Бироқ, қурилиш ташкилотлари айби билан сифатсиз қурилган уйлар ҳам бор. Аҳолидан бу уйларнинг сифати бораси-

да тушган норозиликлар ўрганилиб, камчиликларга йўл қўйган бир қатор қурилиш ташкилотлари жавобгарликка тортилди. Хусусан, 2016 йилда 17 пудрат ташкилотининг иши судга оширилган. Мутахассисларнинг

уй-жойда яшаётган аҳолидан сифат борасида мунозаралар тушса, маблаг таъминлаш шароитида бўлмаган тақдирда йиллик муддатдан кейин қурилиш ташкилоти бу маблагни қайтариб олиши мумкин.

– Намунавий лойиҳадаги уйлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий қурилиш материаллари асосида барпо этилаётгани боис нархлар



қайд этишича, сифат борасидаги муаммоларнинг олдини олиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш учун уй-жойларни қуриш билан шуғулланаётган корхоналарнинг 5 фоиз маблаг бир йилдан кейин уларнинг ҳисобрақамига ўтказиб берилади. Бу маблагнинг ушлаб турилишига сабаб, агар шу даврда янги

нисбатан арзон, – дейди "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси бўлим бошлиғи Ойбек Камолов. – Қурилишда қатнашаётган ишлаб чиқарувчи ва қурувчи ташкилотларнинг барчасига боғжона ва солиқ борасида имтиёзлар берилгани ҳам айни муддао.

Давоми 2-бетда. ➡

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ЁШЛАР

Чиноз агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи нафақат туман, балки қўшни ҳудудларга ҳам меҳнат бозори учун зарур бўлган мутахассис кадрлар етказиб беришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

□ **Таълим**

– Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида ҳам касб-ҳунар коллежлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, етиштирилаётган кадрлар сифатини яхшилаш юзасидан аниқ йўналиш ва вазифалар белгилаб берилган, – дейди касб-ҳунар коллежи директори Иброҳим Расулов. – Айни пайтда ўқув юрти-мизда автомобиллар,



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

Давоми 2-бетда. ➡

□ **Жараён**

Бугун туризм аксарият мамлакатларда миллий иқтисодиётга салмоқли даромад келтирувчи соҳалардан ҳисобланади. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, туризм даромади йилига бир неча триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Мамлакатимизда туризмни иқтисодий, ташкилий ва ҳукукий жиҳатдан жадал ривожлантириш, ҳудудлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимиз ўзининг бой тарихи, қадимий осориатқилари, ўтмиш ёдгорликлари, бетақор табиати билан соҳа ривожига муҳим ўрин тутди. Тошкент вилоятида археология, архитектура, монументал ёдгорликлардан иборат жами 498 та маданий мерос объектиларининг рўйхатга олингани ҳудудда туризмни янада ривожлантириш учун етарлича имконият мавжудлигини кўрсатади.

Вилоятимиз ҳудудида 45 меҳмонхона, 4 туроператор, 71 санаторий, 1 қўриқхона, 5 ўрмон ҳўжалиги мавжуд. Шунингдек,

ТУРИЗМ – ЧЕКСИЗ ИМКОНИАТЛАР МАНБАИ

Чимён оромгоҳи, Чорвоқ сув омбори, Ихнож, Урун-гач, Шовур, Бодак қўллари сайёҳ ва дам олувчиларни ўзига жалб этиб келмоқда.

Айниқса, экотуризм салоҳияти юқори. Улкан тоғ тизмалари, қир-адирлар, қўл ва сойлар, ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳар қандай сайёҳнинг эътиборини ўзига тортади. Қулай иқлим шарои-

ти эса қўшимча имтиёздор.

574,6 минг гектар майдонни эгаллаган биргина "Угом-Чотқол" миллий боғида 230 га яқин ҳайвонот, 1 минг 800 га яқин ўсимлик тури мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисми халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобида қиритилган.

Чотқол биосфера қўриқхонаси, Бурчмулла,

Оҳангарон, Саксонота, Бекобод, Тошкент ўрмон ва Давларзин ов ҳўжаликлари табиати бетақорлиги билан ажралиб туради.

Вилоятда маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатувчи жами 120 та ташкилот фаолият юритмоқда. Мавжуд меҳмонхоналарда бир кунда 2 минг 440 нафарга яқин меҳмонларга халқаро стандартлар даражасида сервис хизмати кўрсатишмоқда. Ўтган йили 100 мингдан ортиқ киши хордиқ чиқарди. Шу жумладан, 8 минг 250 нафар хорижий сайёҳларга кўрсатилган туристик хизматлар ҳажми 44,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2017 йил 20 июлдаги "Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тўзилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 октябрдаги "Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Янги тузилма вилоятнинг туризм салоҳиятини тубдан юксалтиришга йўналтирилган яхлит концепциянинг амалга оширилишини таъминлайди.

Давоми 2-бетда. ➡

□ **Янгилик**

Эндиликда деҳқон ва фермерларимиз қўл телефонида келиб тушадиган хабар орқали дала-сидаги умумий ҳолат бўйича тезкор ва зарурий маълумотларга эга бўлади.

ҲАМЁНДАГИ «ҲОСИЛОТ»

Янгийўл туманидаги "Gold Friend Fruits" масъулияти чекланган жамияти ҳудудига ахборот технологиялари асосида ишлайдиган метеостанция ўрнатишга бағишланган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди.

Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастури доирасида "Ўзбекистон бизнес форуми (III босқич)" қўшма лойиҳаси ҳаётта татбиқ этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – мамлакатимизда, хусусан, вилоятимиздаги саккиз юзта фермер ва деҳқон ҳўжалигини агротехник тадбирлар ўтказишга оид бепул профессионал тавсиялар билан таъминлашдан иборат.

Таъкидлаш жоиз, профессионал тавсиялар жойларга ўрнатилаётган метеостанциялар орқали амалга оширилади. Бугунги кунгача Ўрта Чирчиқ ва Янгийўлда шундай қурилмалар барпо этилди. Паркент ва Тошкент туманларида метеостанциялар қуриш бўйича бошланган ишлар ноябрь ойида якунига етади. Улар – тўртта метеостанция вилоятимиз бўйича 10 минг гектардан ортиқ ҳудудни қамраб олади.

Ўзбекистон фермер,

деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Тошкент тумани бўлими қошида ташкил этилган "Консалтинг Мадад Ҳамкор" компанияси 2018 йилдан бошлаб ана шу станциялар метеомасълумотлари таҳлилий мунтазам равишда деҳқонларнинг уяли телефонида узатиб туради. Хабар орқали 7 турдаги экин учун касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш бўйича агротехник тадбирлар ўтказиш зарурати юзасидан тавсияларга эга бўлиш мумкин бўлади.

Айтишларича, ҳар бир метеостанция ёгингарчилик ҳажми, тупроқ ҳарорати, ҳаво ва баргининг намлик даражасини, шамол тезлиги ва йўналиши каби қатор кўрсаткичларни прогнозлаштирадиган бир неча асбоб билан жиҳозланган.

Семинарда ушбу технологиянинг қулайлиги, деҳқон ва фермерлар фаолиятини янгилаш асосда ривожлантириш, такомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сифатини янада яхшилаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва самарали амалга ошириш бўйича фикр алмашилди.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

2018 йил учун
«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»
газеталарига обуна давом этмоқда!

